

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИГИЗ БИЛАН!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

Ziyo chashmasi



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 8 (237) 2015 YIL, sentabr

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дин-у диёнатимизни, ор-у номусимизни тиклаш, ўзликимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажакимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қола-жак.

Ислом КАРИМОВ.

МУРАББИЙЛАР СЕМИНАРИ

Институт мураббийлар кенгашининг низоми асосида академик гуруҳлар, талабалар билан ишлашни яхши йўлга қўйиш, мураббийларнинг билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида ўқув семинари ўтказилди. Янги ўқув йилида гуруҳ мураббийларининг иш фаолиятини ташкил этиш тўғрисида институт ректори, профессор А. Ж. Холбеков маъруза қилди.

Уч кун давом этган семинарда Жиззах вилояти ҳокимлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ЁИХ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят бўлими масъул ходимлари, институт профессор-ўқитувчилари қатнашди. Маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишни назорат қилиш, талаба-ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва қонун бузилишларнинг олдини олиш, «Олий таълимнинг одоб-ахлоқ қондалари»ни талаба-ёшларга етказиш, академик гуруҳларда иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни клуб ҳамда спорт тўғрисида жалб этиш, ёшларни оилага тайёрлаш, диний экстремистик оқимлардан ёшларни огоҳ этиш, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати каби долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Институтимизда ушбу тадбир биринчи мартаба ўтказилган, дейди бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси Феруза Раҳматова, - биз мураббийлар семинардан олган тавсия ва кўникмаларни ўқув йили давомида ҳаётга тадбиқ этамиз.

Семинар давомида академик гуруҳ мураббийлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИЛАНИШ САРИ ОДИМЛАШ ЖАМОАНИНГ ЭНГ МУХИМ БУРЧИ

Институтимиз ректорининг институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари ва барча ходимларига Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ва Билимлар куни муносабати билан байрам табриги.

Юртбошимиз раҳбарлигида ёш авлодни юксак маънавиятли ва чуқур билимли, замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган ҳамда фаол фуқаролик позициясига эга шахслар қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган улкан ислохотлар натижаларини бугун ҳар биримиз ўз ҳаётимизда кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳаётга изчил тадбиқ этилиши туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртимизнинг нафақат қиёфаси кўркамлашди, балки улардаги шарт-шароит, моддий-техник база мустақамлашиб, таълим сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Олий таълим тизимида ҳам кенг миқёсда ўзгаришлар амалга оширилди.

Институтда ҳозир 24 та кафедра, 8 та ўқув лабораторияси, 20 та ихтисослаштирилган кабинет, 25 та ҳозирги замон компьютерлари билан жиҳозланган аудиториялар, 4 та лингафон кабинети, 4 та ўқув корпуси, 1 та 400 ўринли ётоқхона, Маънавият-тарғибот маркази, 719 ўринли маданият саройи, 4 та мажлислар зали, 50 дан зиёд фан тўғрисидаги Ахборот-ресурс маркази, Бобур номли спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, 5 та овқатланиш шаҳобчаси фаолият кўрсатмоқда.

Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, таълим сифатини яхшилаш, бугунги ҳаёт талабларига тўла жавоб берадиган педагог кадрларни етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Илмий-тадқиқот ишлари мавзулари хилма-хиллигига қарамадан бош мақсад-малакали педагог кадрлар тайёрлашга қаратилган. Ҳозирги кунда институтда 24 та кафедраларда 15 нафар фан докторлари, 112 нафар фан номзодлари бўлиб, улар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари республикамизнинг энг актуал илмий-техникавий программаси билан узвий боғлиқдир.

Илмий кадрлар тайёрлашда хориждаги олий ўқув муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб халқаро фондларнинг имкониятларидан фойдаланмоқдамиз. Жумладан, Россиянинг Дубна шаҳридаги олий ўқув юрти билан шартнома тузилган. Стажер-тадқиқотчиларимиз малака ошириб келмоқдалар, илмий ишларини чоп эттирмоқдалар. Икки нафар ўқитувчимиз Хитой Халқ Республикасининг Шанхай университетидан малака ошириб қайтган бўлса, бир нафар ўқитувчи Ҳиндистон элчихонаси конкурси гóлиби бўлди, бир нафари Индонезиядаги «Пинчак-Силат» халқаро федерацияси уюштирган семинарда иштирок этди, бир

нафар фан номзоди «Маҳаллани обод қиламиз!» конкурсида «Энг яхши инновацион гóя» лойиҳаси бўйича биринчиликни эгаллади. Ҳозирги кунда Германиянинг Фрайбург институти, Москва, Уммон, Киев, Украина, Чернигов, Бошқирдистон, Могилев Давлат университетлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Сўнги тўрт йил давомида институтда амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар давлат илмий техника дастурлари доирасида ўқув жараёни билан боғлиқ 4 та лойиҳа бажарилди.


Иқтидорли талабалар - бизнинг келажакдаги маънавий қудратимиздир. Шунинг учун ҳам улар билан қатъий режа асосида иш олиб борамиз. Талабалар турли ютуқли конкурсларда ўзларининг иқтидорларини намойиш этиб келмоқдалар. Кейинги 4 йил ичида бир нафар талабамиз Президент стипендиясига, 4 нафари Улуғбек номидаги, 7 нафари Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлдилар, 9 нафар «Таълим грантлари дастури» гóлиби, 18 нафар талаба Республика фан олимпиадасида муносиб ўринларни эгалладилар. Зулхумор Мамарасулзода Республика «Ниҳол» Давлат мукофотиغا сазовор бўлган бўлса, Моҳинур Исмоилова, Азиза Аҳмадова «Юрт келажак» танлови Республика босқичи гóлиби бўлдилар.

Институтимизда 27 та фан тўғрисидаги, «Менда гóя бор» клуби, ижтимоий фанлар кафедрасида илмий-ижодий марказ, рус ва хорижий тиллар кафедраси қошида «Пегас» клуби, умумий физика ва химия кафедраларида илмий лабораториялар фаолият кўрсатмоқда.

Институтимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг муҳим гарови бўлган спорт соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ҳозирда 1 та очик футбол майдони, 2 та спорт зали, 1 та кўл тупи майдони, 3 та волейбол майдони, 2 та баскетбол майдони, 3 та гимнастика майдончаси ва очик бассейн талабалар ихтиёрида. «Талаба» спорт клуби мавжуд бўлиб, унда ёшлар спортнинг 13 тури бўйича турли секцияларда мунтазам машғулот олиб бормоқдалар. Бундай шароит ва имконият талабаларимизнинг кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этишини таъминлайди. 50 нафардан зиёд талабалар спортнинг кўпгина турлари бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпионлари унвонига сазовор бўлишган. Жами 19 та спорт секцияларига 826 нафар талабаларимиз жалб қилинган.

(Давоми 2 саҳифада)

Институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари Мустақиллик байрами ва Билимлар кунини катта шодиюна билан қарши олдилар.



ЯНГИЛАНИШ САРИ ОДИМЛАШ ЖАМОАНИНГ ЭНГ МУҲИМ БУРЧИ

Институтимиз ректорининг институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари ва барча ходимларига Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ва Билимлар куни муносабати билан байрам табриги.

(Боши 1 саҳифада)

Бугунги кунда замонавий ўқув қуроллари, янги педтехнологияларсиз мақсадга эришиб бўлмайди. Ана шундан келиб чиқиб, аввало, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-коммуникацияларини жорий этиш ва ривожлантириш борасидаги барча фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш бўйича режали иш олиб бормоқдамиз. Жумладан, кўшимча равишда компьютерлар, проекторлар, намойиш ва кўпайтириш техникалари, сканер қурилмалари олинди. Интернет тизимининг мунтазам равишда ишлаши таъминланди. Вазирликнинг таълим муассасалари томонидан ZiyoNet ахборот таълим тармоғига ресурслар жойлаштириб борилмоқда. Ички локал тармоқ имкониятлари профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун ресурслардан самарали фойдаланишда қўл келмоқда. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг компьютер саводхонлиги бўйича малака ва кўнўқмалари ҳолати аниқлашиб уларни режали, жадвал асосида ўқитишни ташкил қилдик.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майда «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида биз аввалдан режалаштирилган тадбирларимизни

янада бойитдик.

Касб-хунар коллежларида таълим самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашда олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик муҳимдир. Шу мақсадда касб-хунар коллежлари институтимиздаги кафедра-ларга бириктирилди ва ушбу тақсимот асосида академик лицей ва касб-хунар коллежларида 32 та кафедра филиаллари ташкил этилди, малакали профессор-ўқитувчилардан мудирлар тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Қарор институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан ўрганилди ва хорижий тиллар факультетида мутахассислар тайёрлаш ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Жумладан, инглиз тили ва адабиёти таълим йўналиши битирувчилари вилоятдаги инглиз тили ўқитилмайдиган мактабларга педагогик амалиёт даврида ўриндошлик асосида ишга жойлаштирилди, инглиз тили ва адабиёти таълим йўналиши билан турдош бўлган (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) таълим йўналишларидан шу йўналишга ўқишини кўчиришга хоҳиши бўлган талабалар аниқлашиб, улар учун кўшимча машғулотлар ташкил этилди, вилоятдаги чет тиллари ўқитилмаётган мактабларга битирувчиларнинг ишга жойлашишлари таъминланди.

Хурматли профессор-ўқитувчилар, азиз талабалар!

Қўлга киритилаётган ютуқлар,

эришилаётган натижаларни танқидий кўз билан баҳолаб, ҳукуматимизнинг бизнинг олдимизга қўйган улуғвор вазифаларига таққослаганимизда хали жамоамиз ҳаётида бир қатор жиддий нуқсонлар кўзга ташланмоқда. Ана шу камчиликларни бартараф этиш, таълим жараёнини бугунги талаб даражасига кўтариш мақсадида 2015-2017 йилларга мўлжалланган комплекс режа ишлаб чиқилди ва ушбу дастурни бажаришга киришдик. Институтда барқарор ишчанлик муҳитини қарор топтириш, бирлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ошқоралик, холислик, коллегиаллик, талабчанлик, жамоатлик назорати, ўзаро ҳурмат ва ишонч, тежамкорлик ва ташаббускорлик, интизом ва масъулият, шахсий намуна ва бошқа бир қатор тамойиллар жамоамиз ҳар бир аъзосининг кундалик ҳаёт мазмунига айланиши лозим. Ушбу тамойилларнинг барчаси таълим сифатини оширишга, ўқув-тарбия ишларининг савиясини бугунги талаб даражасига кўтаришга хизмат қилмоғи зарур.

Мен институтимиз профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари ва барча ишчи ходимларини энг улуғ, энг азиз байрам - Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ва Билимлар куни билан муборакбод этиб, ҳар бирингизга сиҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли ўқитувчи, тарбиячи, мураббийлик касбингизга ривож, оилангизга бахтли, осуда ҳаёт тилайман.

Мустақиллик байрамингиз қутлуг бўлсин!

Абдуғани ХОЛБЕКОВ,
институт ректори,
профессор.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Институтимиз илмий кенгашининг навбатдаги йиғилишида институт ректори, профессор Абдуғани Холбеков 2014-2015 ўқув йили якунлари ва 2015-2016 ўқув йилининг асосий йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққан кенгаш аъзолари ўтган ўқув йилида олий ўқув юрти фаолиятида йўл қўйилган бир қатор хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирдилар. Қабул қилинган қарорда янги ўқув йилидаги асосий йўналишлар белгилаб олинди. Жумладан, институт ҳаётидаги янгиланишларга бутун жамоа бирдам ва ўзаро ҳамжихатликда ҳисса қўшиши, бунинг учун жамоада очиқлик, холислик, коллегиаллик, ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилиш, ишчанлик муҳитини кенг қарор топтириш каби муҳим тамойилларга бекаму кўст амал қилиш лозимлиги профессор-ўқитувчилар ва бутун жамоанинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

2015-2015 ўқув йили якуний ҳисоботлари ҳолати ҳақида институт ўқув ишлари проректори Н. Алимовнинг маърузаси жиддий муҳокамага сабаб бўлди. Кенгаш аъзолари ўз чиқишларида якуний ҳисоботларда чуқур илмий ва амалий таҳлиллар этишмаслигини, ва айниқса, янги ўқув йили бошланганда ҳам бир қатор кафедра-лар мудирлари ва факультетлар деканлари ҳисо-

ботларни соҳа проректорларига тақдим этмаганлиги, ваҳоланки, мазкур ҳисоботлар ўтган ўқув йилининг охирида етказилиши лозимлиги, ўқув ишлари проректори ва институт ўқув бўлими масъул ходимлари бу ҳолатга бефарқ қараганликларни танқид қилинди ва ушбу камчиликларни белгиланган мудатларда тугатиш бўйича қарор қабул қилинди.

Илмий кенгашда мактабгача таълим факультети, тарих факультетининг ижтимоий фанлар кафедраси ҳамда педагогика-психология факультетининг мусиқий таълим кафедрасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли режалар ҳақидаги масала юзасидан ишчи гуруҳи раҳбарлари Қ. Ядгаров ва Ю. Каримоваларнинг ахборотлари тингланди.

Институт жорий ўқув йили иш режалари ҳақида ҳамда танлов ва кўшимча фанлар дастурлари ҳақида ўқув бўлими бошлиғи Ф. Ҳайитов, биринчи курс мактаби дастури тўғрисида маънавий-маърифий ишлар проректори А. Тангиоровларнинг чиқишлари ҳам муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кенгашда институт ҳаёти билан боғлиқ бир қатор бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ТАЛАБАЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР ЛИҚҚАТИГА! Кредит олмоқчи бўлсангиз...

Бу йил институтимизда 2015-2016 ўқув йилида таълим олиш учун 508 нафар йиғит-қиз давлат гранти, 1170 нафар ёшлар эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиндилар. Ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз томонидан қатор имконият ва имтиёзлар яратилган бўлиб, улардан бири тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга бериладиган таълим кредитларидир.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги Низомнинг тегишли бандлари билан талабалар ва ота-оналарни таништирамиз.

Таълим кредитлари мамлакатимиз олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, ота-оналарига ёки васийларига берилади. Кредитлар қарз олувчи доимий яшайдиган аҳоли масканидаги тижорат банклари томонидан ўтказилади. Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи банкка таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза, талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома ҳамда кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиши шарт.

Имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, «Меҳрибон-

лик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оила фарзандлари тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан бир қаторда фуқаролик паспортини ҳам шахсан кўрсатади.

Олинган кредит қайтарилишини кафолатлаш мақсадида кўчмас мулк ёки қимматли қогозлар, банк кафолати, учинчи шахс ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги, кредитни сўндирмаслик хатаридан сугурта полиси гаровга қўйилиши мумкин.

Тижорат банкларига тақдим этилган ҳужжатлар 10 кун муддат ичида кўриб чиқилади ва банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади. Ушбу белгиланган тартиб таълим кредити олишнинг энг ихчам, содда ва қулай йўли бўлиб, уни олишда ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

Таълим кредитлари имтиёзлидир. Яъни, чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига фойзсиз таълим кредитлари берилади. Кам таъминланган оила фарзандлари эса кредит учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фойзда (айни пайтда бу кўрсаткич 9%ни ташкил этади) ҳисобланган сумманинг фақат 50%ни тўлайди. Қолган 50% эса Бандикка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан «Иш балан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси» маблағларидан тўланади.

Расмий манбаълар асосида Орифжон ОДИЛОВ тайёрлади.

19 сентябрь - Халқаро тинчлик куни



Ким эдиг-у, Ким бўлдик?

Мустақиллик дарсларида фахр-ифтихор туйғуси

Маълумки, ҳар йили республикамиз таълим даргоҳларида 2 сентябрь - Билимлар кунини сифатида кенг нишонланади. Бу кун республикасиздаги мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, шунингдек, олий таълим муассасаларида мустақиллик дарслари ташкил этилиши анъанавий тусга кирган.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Институтимизда 2 сентябрь - Билимлар кунини тантаналари институт профессор-ўқитувчиларининг талаба-ёшларни янги ўқув йилига кутиб олиш маросимидан бошланди. Байрам шодиёнаси аудиторияларда мустақиллик дарсларига тушиб кетди. «Ким эдигу ким бўлдик!» шиори остида бошланган мустақиллик дарслари кунининг иккинчи ярмида ҳам кўтаринки руҳда давом этди. 3 сентябрь кунги дарс жадваллари мустақиллик дарсларининг узвий давоми сифатида ташкил этилди. Айни шу кун институтимизга Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси муовини Сирожиддин Сайиднинг ташриф буюриши, айниқса, талаба-ёшларимиз қувончига қувонч қўшди. Институт маданият саройида Сирожиддин Сайид бошчилигида ташкил этилган мустақиллик дарсларида институтимизнинг қарийб 1000 нафар талабалари иштирок этишди. Шоир Сирожиддин Са-

йид ўз нутқида Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустабид тузумнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, бирёқлама ривожланган ночор иқтисодиётдан, «шок терапияси» каби номаъқул моделлардан бутунлай воз кечиб, машхур беш тамойилга асосланган ўз тараққиёт йўлини қатъий танлаб олгани ва дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ривожланиш стратегиясининг реал натижаларини аниқ таҳлиллар орқали очиб бериб, яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётгани, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етганини, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётганини, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, маъруза давомида 1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги

вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётганини эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида талқин этилди. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга гўзаллашиб, тобора обод бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича жорий этилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамияти чиндан қувонарлидир.

Шунингдек, маъруза давомида институтимиз талабалари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан иштирок этиб бордилар.

Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзгичимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аجدларимизнинг табаррук номларини улуглаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб бергани, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабат ва ўзаро манфаатли

ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш - бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифа эканлиги талабалар томонидан эътироф этилди.

Мустақиллик дарслари давомида «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним - Ўзбекистоним!» мавзуси юзасидан «Ким эдигу ким бўлдик?» шиорига изоҳ берган ҳолда ушбу саволларга жавоб сифатида слайдлар намойиш этилди.

Маъруза якунида талаба-ёшларга дардан кейинги бўш вақтларида сабоқдош ва тенгдошларига мустақиллик бизга нима бергани, давлат ривожини, мустақилликни асраб-авайлаш учун қандай ҳисса қўшиш мумкинлиги ҳақида суҳбатлар куриш, шунингдек, уйда «Мен Ўзбекистон фарзанди эканимдан фахрланаман!» мавзусида эркин ижодий иш ёзиб келиш топшириғи берилди.

Ҳаётжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Ҳаётда баъзан биз кучли ҳис-ҳаяжонга, эҳтиросга берилувчан бўламиз. Қачонки оғир вазиятларга тушиб қолганимизда, бошимизга бирор мусибат тушгандагина Аллоҳни ёдга оламиз.

Мен ишонаманки, Аллоҳ ҳар доим бизга тўғри йўлни кўрсатади. Бироқ бахтга қарши ҳаётимизнинг ярмидан кўп қисмида мол-дунё, куч-қудрат, обрў-эътибор учун очкўзлик қилиб, кўзимизни парда қоплайди.

Мен ҳар доим ҳаётда ҳамма нарсага ижобий муносабатда бўлишга ҳаракат қиламан. Гарчи шундай бўлсада ҳанузгача йўлимдан адашаман. Аммо ҳар нима бўлганда ҳам ўз ҳаётимиз тажрибаларимни сизлар билан бўлишишни хоҳлайман. Менинг маслаҳатларимни, тажрибамни қабул қиласизми, йўқми бу сизга боғлиқ.

2005-йил. Дусшера таътили эди. Биз турмуш ўртоғим билан бирга она шаҳримизга келдик. Оилавий хоҳишимиз, қароримизга мувофиқ биз ҳар йили Дурга Пожа байрамни кенг нишонлардик. Шундай қилиб, ҳар йили шу таътилни ўтказишга она шаҳримизга борардик. Бу гал болаларга мактабдан унчалик узоқ муддатли таътил берилмаганди, шу боис бу сафар улар биз билан бирга боришолмади.

Биз таътилни турмуш ўртоғимнинг оила аъзолари ва бошқа қариндошларимиз билан бирга ўтказдик. Таътил ажойиб ўтди, аммо жуда тез тугаб қолди. Бизнинг яшаш жойимиз она шаҳримиздан анча узоқда эди. Эртадан иш куни, бугуноқ қайтишимиз керак, болаларга қараб турган қиз ҳам эртадан келмайди. Унинг иш вақти ҳам бугун тугаган.

Самолётга чипта жуда қиммат бўлганлиги боис поездда қайтишимизга тўғри келди. Қариндошларимизнинг уйлари темир йўл вокзалидан анча узоқда эди. Шу сабаб биз такси ёллашга мажбур бўлдик. Ҳар доимгидек нарсаларимизни жомадонга жойлаб уйдан чиққунимизча кўп вақт кетди ва биз поездга кеч қолдик.

Қайнотам ҳам биз билан бирга қайтаётгандилар. Йўлда кетарканмиз ҳаммамиз тинмай кечга қолаётганлигимиз ҳақида ўйлардик. Ҳамма асабийлашган. Чунки бизда энди поездга улгуришимизга ҳеч қан-

Ҳаёт ҳақиқати

дай умид қолмаганди.

Аммо ўша кунини кутилмаган ҳодиса рўй берди. Кечикканимизга қўшимча ёмғир ҳам шаррос куйди. жуда асабийлашар, сизлик қилар, ҳайдовчисини

Биз сабр-дик. Такси ҳар икки минутда шоширардик. Аммо бахтга қарши кучли ёмғир тез ҳайдашга йўл бермасди. Мен ўзимни ниҳоятда ҳаловатсиз ҳис қилаётгандим. Эртага иш куни, биз ишни қолдиролмаймиз, акс ҳолда ўрнимизга ходим тайёр, бунинг устига болалар ҳам ёлғиз. Кўзларимни юмиб Тангрига бутун вужудим билан, чин юракдан илтижо қилиб, мўъжиза рўй беришини сўрардим. Аммо улгуришимизга ҳеч қандай илтижо йўқ, чунки биз ҳозиргача роппа-роса ўн минутга кечга қолиб бўлгандик.


Ниҳоят такси темир йўл вокзалига етиб келди, машина тўхташи билан ҳаммамиз ўзимизни ташқарига урдик. Машинадан тушиб, юкимизни қўлимизга олиб поезд бўлса-бўлмаса платформага юкларни текширтиргани олиб бордик.

Платформага етиб, не кўз билан кўрайликки, Конарк поезди ҳали ҳам станцияда турганди. Кўзларимизга ишоналмасдик - ахир бу чинакам мўъжиза эди.

Ҳеч қачон бир минутга ҳам кечга қолмайдиган поезднинг юриши ўша кунини ҳеч қандай техник сабабларсиз роппа-роса ўн беш минутга кечиктирилибди. Йўловчиларнинг ҳаммаси соатларига қарар, ҳеч қандай сабабсиз поезднинг ҳанузгача юрмай турганлигидан ҳайратланишарди.

Турмуш ўртоғим ортиқча гап-сўзсиз менга юзланди ва «Бирорта вагонга чиқиб ўрнимизни топ», - деди.

Биз поездга чиқдик, ўз вагонимизга кириб ўрнимизга жойлашганимизда бир дақиқа ўтиб поезд



Анжали Маҳанатра

станциядан жўнади.

Мен жойимда туриб қаттиқ ҳаяжонланар ва таъсирланардим. Худди нафас етишмаётгандек эди, юрагим ҳам тез урарди. «Ё, Тангрим! Борингга шукур!» дердим. Ҳаёлларимни вагонимиздаги бир йўловчининг «Опа, илтимос ўтиринг, поезд юрди, сизни келишингизни кутаётган экан-да ўзи» деган майин, ҳазиломуз овози тарқатиб юборди.

Мен у кунни ҳеч қачон унутмайман, кимда-ким Аллоҳнинг бизга ёрдам беришига ишонмасам, у аниқ янглишади.

Мен яратгандан оғир дамда бизга ёрдам берганидан жуда миннатдорман. Аммо бир нарсага амин бўлдимки, агар сиз чин юракдан, чин дилдан Аллоҳга илтижо қилсангиз, у алабтга қийин вазиятларда, оғир дамларда сизга ёрдамга келишига кўнглингизда шубҳа қолмасам, у сизни қутқаради.

Мен ҳанузгача ўша воқеани эсласам ҳаяжонланиб кетаман. Бу чиндан ҳам ажойиб тажриба бўлганди.

Инглиз тилидан
инглиз тили ва адабиёти
йўналиши талабаси
Зулфизар ТАШАНОВА
эркин таржима қилди.



ЁШЛИК ИЛҲОМЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИК ТОНГИ

Мустақиллик тонги отган кун,
Қуёш кўкдан кулиб боққан кун,
Тўрғайларнинг овози дилбар,
Майин эсар ноз ила еллар.

Қувончларим ортгандан ортиб,
Қалб торини кетади чертиб,
Ортар шунда яшашига ҳавас,
Озод юртда олганда нафас.

Жўш уради илҳом тўлқини,
Шарқирайди томирда қоним.
Боламнинг ҳур қисмати ҳаққи -
Гулла, яшна ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ойдин кеча эди...

Ярим оқшом. Базм тугади.
Таиқарига чиқдик шу маҳал,
Қадрдон ой чарақлаб кўкда,
Борлиқ узра тўкарди зарҳал.

Қандай гўзал ойдин кечалар,
Мафтун айлар, ўзига тортар.
Одам яшар ажиб ҳис билан,
Бу ҳаётга ҳаваси ортар.

Етаклашиб кетдик иккимиз,
Ҳаяжонга тўла юраклар.
Қандай ширин бахтиёр дамлар,
Қалбимизда орзу-тилаклар.

Сухбатлаидик йўл устида биз,
Севгимизни айладик изҳор.
Сўнгра сени қузатиб қўйдим -
Ва дедимки: Қилма интизор...

«Кутинг мени эртага яна», -
Дединг, туриб эшик олдида.
Шунда сездим севгининг кучин,
Ишқинг ўти авж олди дилда.

Эй вафодор, мен бахтлиман,
Алдамадинг, Тангрига шукур.
Содиқ қолдинг ваъданга чиндан,
Ҳурматинга минг бор ташаккур.

Достон ЭШМАТОВ,
Халқ таълими аълочиси,
фахрий журналист,
Фориш тумани.

СЕҲРГАР

Агар бўлганимда буюк сеҳргар,
Дунёни меҳрга тўлдирар эдим.
Хаста бир инсонга дуч келсам агар,
Соғлиқ ато этиб қутқарар эдим.

Ҳаётда яратиб ажиб мўъжиза,
Ёвузлик устидан голиб чиқардим.
Дунёни меҳрга лиммо-лим этиб,
Меҳр-муҳаббатга қўлим тутардим.

Афсуски, сеҳргар бўла олмайман,
Оллоҳдан тухфадир инсонга умр.
Одамзот кўникиш учун яралган,
Тақдир ишларига инсон ожиздир.

Аmmo... Сеҳр нима, мўъжиза надир?
Бахтли яшашимоққа керакми жоду?
Инсон табиатнинг гўтожи ахир,
Қўлидан келмасми амаллар эзгу?!

Англадим, алкимё тилсими эмас,
Ва ёки афсуну, мўъжиза, сеҳр,
Ҳушнуд яшамоққа барчаси абас,
Меҳр керак экан, инонга меҳр!

Моҳинур НЎЪМОНОВА,
ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

ШЕЪР ИШҚИ

Менинг кулгим - энг тоза кулли,
Кулиб юрдим дунё ишидан.
Дил йиғлади, мен эса кулдим,
«Мен шоирман», - деган кишидан.

Менинг севгим - энг гўзал,
Адабиёт, сени севдим мен.
Сирларимни ўзинга айтиб,
Кўнглимга энг яқин дедим, мен.

Адабиёт, агар дўст бўлсанг,
Дардларимни юбиб юборгин.
Сўз сотувчи, избогарларни,
Даргоҳингдан қубиб юборгин.

Менинг севгим энг раиқчи севги...
Аваз АЛИМОВ,
ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Ибрат

ТАРБИЯ

Ҳар гал автобусга чиққан-
нимда болалигимда бўлиб ўт-
ган бир воқеа кўз ўнгимда
жонланаверади. Ўша пайтлари
жуда кичкина эдим. Чамаси
ҳали мактабга бормасдим.
Онам билан қаёқдандир қай-
таётиб, автобусга чиқдик.
Ҳамма ўринлар банд экан.
Мен кўп йўл юриб жуда то-
лиққандим. Шунда бир аёл
онамнинг эътирозларига қа-
рамай ўрнини менга бўшатиб
берди. Кейин эркалаган
оҳангда менга деди:

- Сен ҳозир кичкинасан.
Оёқчаларинг оғриб қолади,
кичкинтой. Бир кун келиб
сен улгайсан, мен эса кекса-
йиб, кампир бўламан. Ана
ўшанда сен менга жой бериш-
ни унутмасанг бўлгани.

Автобусдан тушганимиздан
сўнг онам менга «бу опанг-
нинг сўзларини ҳеч қачон
унутма. Ўзингдан катталарга
ҳам, кичикларга ҳам ҳурмат
ва шафқатли бўл, хўпми,
қизим», дедилар.

Ўшандан кейин кўп вақт-
лар ўтди. Ўша аёл башорат
қилганидек мен улгайдим.
Ҳар гал автобусга чиққан-
имда ҳамма инсонлар кўзимга
ўша аёл бўлиб кўринаверади.
Беихтиёр ўрнимдан тураман.

Мухлиса ТИРКАШЕВА,
Жиззах вилоят
«Баркамол авлод»
болалар маркази
«Ёш журналист ва
нотиқ» тўғараги аъзоси.

Талаба табассуми



Институтга кириш имтихо-
ни пайтида профессор абиту-
риентдан сўрабди:

- Сиз Пушкинни биласиз-
ми?

- Йўқ.

- Некрасов, Чехов, Толс-
тойничи?

- Йўқ.

- Лермонтов, Горькийни-
чи?

- Уларни ҳам танимайман.

- Бўшсиз!

Аудитория олдида турган
бошқа абитуриентлар ундан
сўрашибди:

- Қабул қилишдими?

- Йўқ. Бу ерга таниш-би-

лишчилик билан қабул қили-
шар экан.



Талаба немис тили имти-
хонида.

Домла:

- Мисол қилиб келти-
рилган гапни немис тилига
таржима қилин: *Ботқоқ-
ликда қурбақа сакраб кет-
япти.*

Талаба:

- Айн момент! Дер кур-
бака дас баткакинг дер шўлп,
дер шўлп, дер шўлп.



Профессор талабаларга са-
вол берибди:

- Кимё фанида замонавий

илғор ихтиролардан нимани

мисол қилиб келтира оласиз?

- Малла соч қизларни!



Аудиторияда ҳуқуқ фани-
дан маъруза бўляпти:

- Дафтарингизга ёзиб қў-
йинг.

«Талаба кодекси. 1-модда:
Ўқитувчи доимо тўғри гапи-
ради.

2-модда. Агарда ўқитувчи
нотўғри гапирса 1-моддага
қаралсин.

«Талабалар дунёси»
журналидан.

Ziyo chashmasi

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институтини

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Таҳририятга келган хатлар
таҳлил этилмайди ва
муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.

Босишга топширилган
вақти - 19.00
Топширилди - 18.00

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат
педагогика
институтини.

«Жиззах-принт»
босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:
Жиззах шаҳри, 130100.
Сайилжойи кўчаси,
4-уй.

Офсет усулида 6500 нусхада босилди.
Буюртма № 477 . Shaki-A-3.